


# АГРАР СОҲАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

«2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириши йили»га бағишланган профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг

**III - масофавий илмий-амалий  
конференцияси**

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**  
**21 май 2020 йил**



**Тошкент-2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АГРАР СОҲАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ**

**«2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»га  
бағищланган профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг  
III - масофавий илмий-амалий конференцияси**

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ  
21 май 2020 йил**

**Тошкент-2020**

Шу жиҳатларига кўра МЎ ҳозирги кундаги истиқболли таълим турларидан бири хисобланади. МЎ асосида таълим бериш учун ўқиш истагида бўлган аҳолининг муайян қисмини таълим муассасаси жойлашган ерга йиғиш шарт эмас. Иккинчидан тингловчи ёки ўқувчи томонидан ортиқча сарф – харажат қилиш зарурати бўлмайди. Учинчидан бу таълим турига жалб қилинувчиларнинг ёш чекланишларини истисно қилиш мумкин. МЎга жалб қилинувчи контингентни қўйидаги ижтимоий гурухларга мансуб бўлган шахслар ташкил қилиши мумкин:

- иккинчи олий ёки қўшимча маълумот олиш малака ошириш ва қайта тайёргарлик ўташ истагида бўлганлар;
- минтақавий ҳокимият ва бошқарув раҳбарлари;
- анъанавий таълим тизимининг имкониятлари чекланганлиги сабабли маълумотола олмаган ёшлар;
- ўз маълумот мақомини замонавий талаблар даражасига қўтариш истагида бўлган фирма ва корхоналар ходимлари;
- иккинчи параллел маълумот олишни хоҳлаган тингловчилар;
- марказдан узоқда кам ўзлаштирилган минтақалар аҳолиси;
- эркин кўчидан юриши чекланган шахслар;
- жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар;
- ҳарбий хизматда бўлган шахслар ва бошқалар.

Ўзбекистоннинг 2017-2021-йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий вазифаларини босқичма – босқич рўёбга чиқарилишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимларнинг роли муҳим аҳамият касб этиши хаммага аёндир. Замонавий ахборот технологияларига: мультимедиа бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш бир алифбодан иккинчи бир алифбога ўтказиш компьютерли тест назорати сканер технологияси интернет электрон почта Web – технология электрон виртуал кутубхона масофадан туриб таълим бериш тақдим этиш технологияси сунъий тафаккур тизимлари ва бошқалар киради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили ”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий –Услубий Рисола Тошкент “Маънавият” 2017.-244 б.

2.Svenja Vieluf, David Kaplan, Eckhard Klieme, Sonja Bayer. Teaching Practices and Pedagogical Innovation. OECD, 2012, 174 p.

3.Molnar GyongyverPh. D. The use of tools in teacher education: a case study. University of Szeged.Institute of Education Petofi S.Sgt. 30-34.SzegedHungary

4. Romina Cachia, Anusca Ferrari, Kirsti Ala-Mutka and Yves Punie. Creative Learning and Innovative Teaching. Luxembourg: European Union, 2010. 61 p.

5.ChripaSchneller, Carl Holmberg. Distance education in European higher education. Hamburg, Germany, 2014, 97 p.

6.Гущин Ю.В. Интерактивные методы обучения в высшей школе. Психологический журнал , №2 , 2012.с.1-18.

7.Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие.-В 2-х книгах.-Книга1.-Челябинск,ЧГПУ, 2012-411с.

\*\*\*\*

#### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ХУҚУҚИЙ НОРМАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

**Қ.Ж.Утегенов**

Тошкент давлат аграр универститети Нукус филиали  
**E-mail: qutegenov@mail.ru**

Қишлоқ хўжалигини хуқуқий тартибга солиш ҳолати ва даражаси модернизациялаш жараёнларидан ортда қолмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик фаолиятини комплекс хуқуқий тартибга солишга эришилмасдан таркибий, шартномавий, давлат-хусусий бизнес шерикликни, агроинновацион фаолиятни хуқуқий таъминлаш,

қолаверса улар иштирокида фуқаролик музомаласининг барқарорлигини амалда рўёбга чиқариш мураккаб масаладир.

Шерикликни амалга ошириш учун асос ҳисобланган меъёрлар ва хуқуқий тартиб қоидалар хуқуқнинг турли тармоқларида бўлиши тўғрисида хуқуқий адабиётларда бир неча бор таъкидлаб ўтилган. Уларни қўллаш даврида (шерикликни амалга ошириш жараёнида) улар худди ўзаро “кесишади”. Шерикликнинг турли босқичларда хуқуқнинг битта тармоғидаги нормалардан фойдаланиш мумкин, тугаллаш босқичида эса бошқаларидан ва ҳакозо. Шерикликни амалга оширишда айнан қайси нормани асос қилиб олиш зарурлиги шерикликнинг у ёки бу тури амалга оширилиши режалаштирилган соҳани аниқлаш даврида ҳал этилади.

Шартли белгиланган, лекин кўпчилик олимлар томонидан аниқланган қонунчиликни амалга оширишнинг асосий йўналишлари маълум: бажариш, қўллаш, риоя этиш, фойдаланиш. Давлат-хусусий шерикчилигини амалга оширишда ҳаммасидан кўпроқ қонунчиликни қўллаш ва риоя этишдан, камдан кам ҳолларда – бажариш ва фойдаланишдан фойдаланилади.

Қўллаш давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги нормаларни амалга ошириш шакли сифатида моддий ва процессуал нормалар талабларига асосланган индивидуал юридик хужжатларни нашр этишда фойдаланилади.

Бундай хужжатлар шерикликнинг бошқарув органи раҳбарини тайинлашда, шериклик иштирокчилари улар ўртасида вужудга келадиган суддан ташқари низоларни қараб чиқишга ваколатли шахсларни танлашда, “шериклик хулқ-автори” сиёсатини (стратегиясини, тактикасини) аниқлашда, шериклик иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган конкрет низо (келишмовчилик, тушунмовчилик ва бошқалар) бўйича қарор қабул қилишда ва ҳакозоларда чиқарилиши мумкин.

Бошқача айтганда, қўллаш давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги нормаларни амалга ошириш шакли сифатида шериклик раҳбарлик органи компетенцияси доирасида ёки уларнинг шериклик иштирокчиларининг ҳар бирининг компетенциясидан келиб чиқиб қабул қилинган конкрет масалалар бўйича расмий қарор қабул қилиш шакли сифатида фойдаланилади.

Риоя этиш хуқуқ нормаси – бу қонунчиликни амалга оширишнинг хуқуқ тартиботга ва интизомга олиб келувчи асосий шаклидир. Давлат-хусусий шерикчилигини амалга оширишда айнан амалга оширишнинг бу шакли кўзланган режаларга олиб келиши мумкин.

Хуқуқ нормаларига аниқ ва сўзсиз риоя этиш бошқарув субъектларига (давлат ва нодавлат) хуқуқ ман қилган ҳатти-ҳаракатларни қилишдан ўзини тийишини “назарда тутади”. Бундай кўрсатмани бажармаслик жазоланиши мумкин, яъни хуқуқ нормаларига риоя этиш қонунда назарда тутилган ва жамият ва давлат манфаатларини, фуқаролар ва ташкилотлар хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида мажбуриятларни бузганлиги учун мажбурлаш чораларини қўллаш имконияти билан таъминланади.

Давлат-хусусий шерикчилигини амалга оширишда талабларни бажармаганлик учун санкцияларни ўз ичига олган нормалар кам эмас. Уларга фуқаролик, меҳнат, жиноий ва маъмурий қонунчиликни киритиш мумкин.

Шартнома мажбуриятларини бажармаганлик сабабли кўрилган заарларни қоплаш; мол-мулкка, соғлиққа ёки жабрланувчи (шериклик иштирокчиси ёки бошқа шахс) ҳаётига етказилган зиённи қоплаш; мулкдор ёки мол-мулкнинг қонуний эгаси томонидан бегоналаштириш ноқонуний эгалик қилишдан талаб этиш фуқаролик хуқуқида санкцияга мисоллар ҳисобланади ва ҳакозолар.

Меҳнат хуқуқида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 34-моддаси) бузганлик учун жавобгарлик чоралари (жиноий жавобгарликкача) нормалар санкцияси ҳисобланади.

Шерикликни амалга оширишда лавозимидан озод этиш, давлат (маҳаллий ҳокимият) хизматини тўхтатиш ва бошқалар маъмурий ҳуқуқда типик санкция бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиёт соҳасида жиноят қилганлик, корруцион жиноятлар, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 167, 168- ва бошқа айрим моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жазо чоралари жиноий ҳуқуқ нормалари санкциялари бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Комплекс тармоқларда (ер, табиатни муҳофаза қилиш, транспорт ва бошқалар) мажбуrlаш (жавобгарлик) чоралари фуқаролик-ҳуқуқий (зиённи қоплаш, табиий обьектларга зиён етказиш ва бошқалар), маъмурий жазолаш (штрафлар, ҳуқуқдан маҳрум этиш ва фаолиятини тўхтатиш ва бошқалар), Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида назарда тутилган жиноий-ҳуқуқий жазолаш билан бирга қўшилади (163-модда. Давлат сирини ошкор қилиш)

Фойдаланиш ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш шакли сифатида ҳуқукий муносабатлар иштирокчилари ўз ихтиёрига кўра унга тегишли ҳуқуқларни амалга оширилган ҳолларда қўлланилиб бошлайди (ҳуқуқдан фойдаланиш – бу нормаларда қонуний ҳуқуққа эгаликда ифодаланган фақат субъектив ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш жараёнидир).

Давлат-хусусий шерикчилигини амалга оширишда ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш шерикликни ташкил этиш бошланишида ҳам, шериклик иштирокчилари ҳамкорликда фаолиятни амалга ошириш жараёнида ҳам, шунингдек, қарор шерикликнинг битта иштирокчиси томонидан, ўзининг манфаатларидан, мақсадларидан ёки вазифаларидан келиб чиқиб мустақил қабул қилиниши лозим бўлган ҳолларда юз беради.

Масалан, давлат бошқарув субъекти билан ўзаро муносабатга киришиши ёки киришмаслиги тўғрисидаги қарорни ҳар бир нодавлат бошқарув субъектининг ҳар бири томонидан ўз манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб мустақил қабул қилиш ҳуқуқига эга. Шерикликнинг таркибидан чиқиш тўғрисидаги қарор ҳам ҳар бир иштирокчи томонидан (агар бу қонун билан тақиқланган бўлмаса) мустақил қабул қиласди.

Фойдаланиш ҳуқуқни амалга оширишнинг бевосита шакли сифатида – бу турли хил ҳуқукий имкониятларни (руҳсатларни) бириктирган юридик нормаларни, шу жумладан субъектив ҳуқуқларни, юридик эркинликларни, қонуний манфаатларни, ҳуқуқ қобилиятини амалга ошириш жараёнидир. Шу муносабати билан ҳуқуқдан фойдаланиш шериклик жараёнида ва давлат субъектлари ва нодавлат бошқарув субъектлари, агар улар ҳуқукий нормаларни амалга ошириш манзили ҳисобланса улар томонидан амалга оширилади.

Шериклик иштирокчиларининг маълум ҳаракатларни бажариш (қарор қабул қилиш) ҳуқуқидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти ҳукмий, қатъий талаб, бошқарув характеристига эга эмас эканлиги сабабли ҳуқуқдан фойдаланиш зарур бўлган хулқ-атвор эмас, ижозат тарзда намоён бўлади.

Ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш қатъий белгиланган, доирасида давлат бошқарув субъектларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти кечадиган процессуал шаклга эга эмас. Шунинг учун бу шериклик иштирокчиларининг онгли, ташабbusли хулқ-атворлари чоралари сифатида аниқланадиган ҳуқукий фаолликни ифода этишининг шаклидир. Аммо ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш барча қонуний фаолиятлар каби хаққоний характеристера эга. Шу билан бир қаторда ҳуқуқдан фойдаланиш фаоллик кўрсатиш сифатида конкрет ҳуқукий кўрсатмаларнинг одатий талабларидан “устун чиқади”, чунки ҳуқукий имкониятларни амалга оширишга йўналтирилган хулқ-атвор жуда ташаббускор, кўзланган мақсадларга эришишдан юқори даражада манфаатдорлиги ва натижа сифатида энг натижадорлиги билан боғланган.

Айнан шунинг учун давлат-хусусий шерикчилиги шароитларида ғояларни амалга оширишда ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш янги ижтимоий неъматларни сотиб

олишнинг (шерикликни амалга оширадиганлар учун ҳам, шериклик фаолияти эҳтиёжларини қондиришга йўналтирганлар учун ҳам) асосий усули ҳисобланади.

Давлат-хусусий шерикчилигини амалга оширишда ҳуқуқ нормаларини бажариш давлат бошқарув субъектлари учун характерлидир, айрим ҳолларда нормаларни амалга оширишнинг ушбу шаклидан нодавлат бошқарув субъектлари фойдаланади.

Ҳуқуқ нормасини бажариш – бу уларда мавжуд бўлган юридик кўрсатмалар, тақиқлар ва рухсат бериш кабиларга аниқ амал қилишин талаб этишdir. Аммо ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг ушбу варианти бошқарувнинг (давлат ва нодавлат) барча субъектлари учун умумий ҳисобланиши лозим, чунки, улардан ҳар бири бошқарувга оид ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Гарчи давлат бошқаруви субъектлари учун ҳуқуқ нормаларини бажариш улар фаолиятининг асосий тури ва ҳуқуқий асоси ҳисобланади, аммо нодавлат бошқаруви субъектлари ҳар доим буни ҳисобга олмайди ва натижада қатор муаммоларга дуч келади.

Оммавий ҳокимият органи айнан кўрсатмаларни бажаришда ҳаракат қилишга, қарор қабул қилишга ёки аксинча, қарор қабул қилмасликка, ҳаракат қилмасликка мажбур ва ҳакозо. Бунинг билан лозим бўлган ҳуқуқ қоидалари таъминланади ва ижроия ҳокимият тизимида давлат интизомига эришилади. Тадбиркор ўз қарорларини қабул қилишда, ҳаракатида ёки ҳаракатсизлигига анча эркин, агар ҳаракат қилиш (ҳаракатсизлик) ёки қарор қабул қилиш қонун билан тақиқланмаган бўлса. Аммо агар тадбиркор ижроия ҳокимият органи билан ўзаро муносабатларга киришса (шериклик доирасида ҳамкорлик қилса) ва ушбу ҳокимият органи ўз ҳаракатларини (қарорларини) танлаши чекланганлигини ҳисобга олмаса, унда шериклик ташкил этилмаслиги мумкин ёки янада ёмони уларнинг ҳамкорлиги натижасида шерикликдан режалаштирилаётган натижалар олинмайди.

Ушбу иккита бошқарув субъекти ўзаро муносабатлари (ҳамкорлиги) факат ҳуқуқ нормалари асосида ва уларни бажаришда юз бериши мумкин, яъни тадбиркор ижро ҳокимияти органининг кўп ҳолларда ўрнатилган кўрсатмаларни бажаришда амал қилинадиган “хулқ-атвори” баён қилинган нормаларни ҳисобга мажбур бўлади.

Оммавий ҳокимият органлари учун бундай чекловлар белгиланганлиги тасодиф эмас. Адабиётларда тўғри таъкидланганидек, давлат хўжалик фаолияти билан чалғиши лозим эмас, чунки бу унинг оммавий-ҳуқуқий соҳасига умумий қоидага кўра оммавий ҳокимият ҳуқуқий табиатига бегона бўлган даромадлилик принципини аралаштиради. Шунинг учун айрим оммавий ҳокимият органларига шерикликда қарамоғидаги муассасалар, корхоналар, ташкилотлар орқали бавосита иштирок этиш ҳуқуқи тақдим этилган. Бундай ҳолларда улар бир томондан уларга юклатилган соҳада асосий давлат сиёсатини амалга оширади, бошқа томондан – шерикнинг хўжалик фаолиятида иштирок этиш мажбуриятини ўз зиммасига олмасдан ва оммавий ҳокимият ҳуқуқий табиатини бузмасдан, янги технологияларни ривожлантириш ёки жорий этиш, янги ишлаб чиқариш объектларини қуриш ёки мавжудларини реконструкция қилиш ва ҳакозолар бўйича соҳа (тармоқ) учун исталган натижаларни олиши мумкин.

Давлат-хусусий шерикчилигини амалга оширишда қонунчиликни рўёбга чиқариш шаклларининг (бажариш, қўллаш, риоя этиш, фойдаланиш) оқилона мос келиши шериклик мақсадларига эришишга йўналтирилган ҳар хил турдаги ишларни бажариш жараёнида доимо пайдо бўладиган рискларни тўлиқ минималлаштириш имконига эга. Аммо бунда эсдан чиқармаслик лозимки, (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, техноген ва бошқа) вазият кескин ўзгариши мумкин, шунинг учун ҳам қонунчиликни рўёбга чиқаришнинг у ёки бу шаклларидан фойдаланиш нисбати вариантлари ҳам ўзгариши лозим. Буни қонунчиликни рўёбга чиқариш шаклини танлашда ҳисобга олиш ва уларни ўзгараётган вазиятга қараб тезкор ўзgartiriш зарур.

Тадқиқот натижаларига асослаб, қуйидаги бир қатор назарий методологик, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ хulosса ва таклифларни билдириш мумкин:

Қишлоқда товар ишлаб чиқариш нафақат давлат-хусусий шериклик балки ижтимоий шериклик (давлат ва нодавлат ташкилотлари шериклиги)ни таъминлашга комплекс ёндашув зарур. Фуқаролик муомаласида давлат ва хусусий манфаатларнинг уйғунлашувига демократик бошқарув тизимининг етуклик кўрсаткичи бўлмиш ҳуқукий маданиятни юксалтиришда давлат ҳокимияти органлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларида юридик хизмат кўрсатишнинг роли ва таъсирчанлигини ошириш лозим. Қишлоқда ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш нафақат касбий билимларни балки одамларнинг ҳуқукий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида оммавий ва хусусий ҳуқуқ субъектларининг фуқаролар ва тадбиркорлар юридик билимларини оширишга қаратилган том маънода таъсирчан механизмларни ўз ичига олган ижтимоий шерикликни ҳаётда қарор топтиришга эришишни тақозо этади.

Бошқача айтганда, қишлоқда юридик хизматни кўрсатишида ҳуқуқнинг тартибиға соловчи функцияси билан бир қаторда огоҳлантирувчи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини оловчи, хавфсизликни таъминловчи, рағбатлантирувчи, ҳуқуқни менсимасликнинг олдини оловчи (ҳуқукий негилизм), тинчлик ва барқарорликни сақловчи, қонунийлик ва ижтимоий адолатни қарор топтирувчи, фуқаролик муомаласида қатнашувчи тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи энг муҳими, унинг бунёдкор куч ва давлат жамият шахс ҳаёт фаолиятининг мустаҳкам ҳимояловчи вазифасини бажаришини асло унутмаслигимиз лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ти ЎРҚ-537-сон Қонуни. <https://lex.uz>.
2. Камилова М. Инновационные перспективы ГЧП // Журнал «Экономическое обозрение» №1 (241) 2020. - 61-70 стр.
3. Umurzakov O'.P., Dusmuratov G'.D. «Qishloq va suv xo'jaligida davlat-xususiy sherikchiligi». Darslik. – Т: 2019. - 288 bet.
4. С.Исмаилова, Т.Исмаилов. Аўыл хожалығында мемлекет – жеке шериклигини амелге асырыў формалары // Ижтимоий-иктисодий фанлар ва ижтимоий маконда ёшлар масалалари Республика илмий-амалий конференциясининг тўплами. 13 апрель 2019 й. Нукус 2019 й. 91-92-б.

\*\*\*\*

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ**

**Ф.Э.Юсупова**

Тошкент давлат аграр университети

**E-mail:** mansdior@yandex.ru

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш белгилаб олинди. Инновацион ғоялар, юқори технологияларни ишлаб чиқаришга, жамият ҳаётига изчил татбиқ этиш замонавий билим ва мукаммал малакага эга мутахассислар тайёрлаш учун миллий таълим тизимида ҳам кенг кўламли ва чукур ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”.

Жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиши ва бир томондан ички бозор талабининг ортиши, бошқа томондан агротехнологияларнинг мавжуд даражаси аграр соҳасининг ривожланиш истиқболларини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

оценки к качеству продукции.	
<b>Н.Р.Тожибоева, Б.Рахмонова</b> Инновацион менежментда қарор қабул қилишда ахборот технологияларидан фойдаланиш	1562-1564
<b>Н.Р. Тожибоева</b> Инновацион фаолиятни амалга оширишда корхона менежментининг ўрни	1564-1566
<b>С.Р.Халиков</b> Пути повышения эффективностииспользование цифровая трансформации в сельском хозяйстве	1566-1569
<b>Б.Т.Юлдашев</b> Глобал инқироз шароитида бюджет ташкилотларининг бюджетданташқари тадбиркорлик асосида маблағлар ишлаб топишининг аҳамияти	1569-1572
<b>Э.Д.Юсупов, Д.Д.Джала́лова</b> Объективные предпосылке инновационного развития аграрной сферы Узбекистана	1572-1574
<b>Г.У.Пирназарова, М.Р.Ли</b> Пути совершенствование маркетинговой деятельности в аграрном секторе Узбекистана.	1574-1577
<b>Н.Норалиев, А.Қувандиков</b> Электрон таълимни бошқариш тизими таълим хизмати сифатиникафолатлайди	1577-1579
<b>Н.Х.Норалиев, Ш.Хайдаралиев</b> Рақамли қишлоқ хўжалигида интернет буюмлар технологияси	1579-1583
<b>Н.Ш.Болтаев, А.О.Полвонов</b> Кўп тармоқли фермер хўжаликларининг бошқарув жараёнларини ривожлантириш йўллари	1583-1586
<b>N.Sh.Boltayev, Z.B.Xajieva</b> Fermer xo‘jaliklarida zamonaviy menejment faoliyatinitakomillashtirishyo‘llari	1586-1589
<b>Н.Каримов, Н.Каримов<sup>1</sup>, Д.Ф.Болтабоева, Д.Ф.Болтабоева<sup>2</sup></b> Человеческий мозг - как биологический компьютер	1589-1593
<b>Т.М. Карабаева, Б.Э. Избасаров</b> Единая система государственных кадастров Республики Узбекистан	1593-1595
<b>Д.Д.Джала́лова</b> Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш йўллари	1595-1598
<b>Б.Кирыйгитов, Ф.Сидиков</b> Использованиен программных средств в образовании	1599-1600
<b>Н.А.Алиева</b> Пути повышения эффективности шелководство на основе инновационной деятельности	1600-1604
<b>К.Аъзамжонов</b> Масофавий таълимда ахборот- коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятлари	1604-1606
<b>Н.Р. Тожибоева, Б.Рахмонова</b> Аграр соҳани ривожлантиришда тадбиркорлик фаолиятини молиявий бошқаришни такомиллаштириш	1607-1609
<b>Р.Ж.Баратов<sup>1</sup>, Х.С.Валихонова<sup>2</sup>, С.С.Наримонов<sup>3</sup></b> Методы управления и контроля шагового двигателя применяемых в орошении сельскохозяйственных культур	1609-1613
<b>Ф.А.Мустафақулова, С.Н.Мирзаабдуллаева</b> Масофали таълим– ривожланиш ва янги сифат.	1613-1616
<b>Қ.Ж.Утегенов</b> Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий нормаларини амалга ошириш	1616-1620
<b>Ф.Э.Юсупова</b> Қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялардан Фойдаланиш омиллари	1620-1623
<b>А. М. Umedov va D. N. Namozova</b> Qishloq xo‘jaligida masofaviy ta’limning o’rni	1623-1625
<b>Ф.Р.Исламов</b> Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари	1625-1628